



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 2 июнь, ДУШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 107 (12.668)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ҳар бир ўғил-қизга ғамхўрлик кўрсатиш, жумладан, эҳтиёжманд болаларнинг билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, жамиятта фаол интеграциялашуви учун зарур шарт-шароит яратиш доимий эътиборда. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида бу борадаги эзгу ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

БОЛАЛАРНИНГ ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Тошкент шаҳар планетарийсида ўтказилган «Болалар қувончи» мавзусидаги хайрия тадбирида шу ҳақда сўз борди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2008 йилда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуниди ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Мазкур қонунга асосан 2010-2015 йилларга мўлжалланган «Болалар ҳимояси» дастури доирасида қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирга Мехрибонлик, Муруват уйлари тарбияланувчилари, имконияти чекланган оилалар фарзандлари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари таклиф этилди. Тадбирда мутахассислар болаларга астрономияга оид тушунчалар, қоида-қоидалар, юлдузлар ҳақида, осмон ҳисомлари ҳусусида сўзлаб берди. Қуёш, ой ва сайёраларнинг кўринишлари, кўнгилочар ўйинлар, табиатшуносликка оид қизиқарли савол-жавоблар, тенгдошлари томонидан намойиш этилган мусикали дастур болалар-

га бир олам қувонч бағишлади. – Юртимиздаги осийишталлик ва фаровонлик фарзандларимиз қувончида намоён, – дейди Тошкент шаҳар планетарийси раҳбари Н.Хўкमतова. – Барча ислохотлар инсон манфаатлари, аввало, болаларимизнинг ҳеч қандам кам бўлмай, соғлом ва баркамол бўлиб ўлганлиги учун хизмат қилаётди. Бу каби тадбирлар ёшлар қалбига Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлайди. Тадбирда болаларга байрам совғалари топширилди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
Ўза муҳбири

ШАҲРИМИЗНИНГ ЁШ СПОРТЧИЛАРИ ҒОЛИБ

Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор самарасида юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотлари барпо этилмоқда.



Замонавий спорт мажмуаларида уч босқичдан иборат ҳолда ўтказилаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақалари ҳам ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб ўлгайиши, турли хил халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишида пойдевор вазиёсини ўтамоқда. Йилдан йилга нфузи ортиб бораётган спорт мусобақалари бу йил ҳам қизғин баҳсларга бой бўлди. Кунни кеча Наманганда аққунланган «Баркамол авлод» мусобақасида Тошкент шаҳри спорт жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Мусобақада энг кўп медаль жамғариб, биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри жамоаси юксак мукофот – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Баркамол авлод – 2014» спорт ўйинлари қатнашчиларига табригининг асл нусхаси ва Президент совғаси – «Дамас» автомобили билан тақдирланди. Кеча пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилган спортчиларимиз мусобақаларда 62 та олтин, 16 та кумуш, 9 та бронза медалларни қўлга киритгани ҳолда ёрғуз билан шаҳримизга қайтиб келишди. Тошкент аэропортида «Баркамол авлод – 2014» спорт мусобақасининг ғолибларини қутиб олиш маросими кўтаринки руҳда ўтди. Унда спортчиларнинг ота-оналари, мураббийлари, дўстлари, яқинлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Барчанинг кўнглида ҳаяжон... Карнай-сурнай садақлари остида ғолиблар қутиб олинди. – Қизим Камола Солихова сузиш спорти билан беш ёшдан бери шуғулланиб келади, – дейди Солихова она Солихова. – Бу йилги «Баркамол авлод» спорт мусобақасида сузиш бўйича битта олтин, иккита кумуш медаль билан тақдирланганидан беҳад хурсандман. Қизим кўп марта таба республика, халқаро мусобақаларда ғолибликни қўлга киритганида ҳам бугунчалик фахрланмаган эдим. Қўзларимга севинчи ёши келди. Бундай муваффақиятни Юртошимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрликларининг ёрқин ифодаси деб биламан. – Мусобақада терма жамоамиз аъзолари билан футбол бўйича пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилдик, – дейди Республика олимпия заҳаралари коллежнинг 3-босқич ўқувчиси Равшан Хурсанов. – Мусобақага пухта тайёргарлик кўрганамиз ўз натижасини берди. Чемпион жамоа бўлганимиздан беҳад хурсандимиз. Намангандан катта таассуротлар билан қайтидик, янги дўстлар орттирдик. Келажикда Универсиада спорт мусобақасида, жаҳон ва Осиё чемпионатларида ҳам Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга интиламиз. Шундай мусобақалар, албатта ёшларимизнинг келгусида соғлом, баркамол ва ватанпарвар инсонлар бўлиб етишишида муҳим ўрин тутди.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислам Исмоилов олган сурат

ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Миллий матбуот марказида «Мустақил-

лик ютуқлари — журналист нигоҳида» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **ТОШКЕНТ** Фотосуратлар уйида «Ҳар бир фарзандга меҳр,

эътибор!» ҳафталиги доирасида «Ер қуррасида тинчлик!» республика болалар расмлари кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди.

✓ **БУГУН** Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан болалар учун байрам тадбири ташкил этилди.



ЭНГ ТЎҒРИ, ЭНГ НУРАФШОН ЙЎЛ

Бирлашган Миллатлар Ташкилати маълумотларига қараганда, сўнгги йилларда дунё аҳолисининг 900 миллион нафари тўйиб овқат емаяпти. 2008 йилда бошланган жаҳон иқтисодий-молиявий инқирози оқибатида 54 мамлакатда оилалар моддий аҳволи даражасининг пасайиши кузатилган. Йигирмадан зиёд давлат аҳолисининг асосий қисми очликдан азият чеқмоқда. Ун иккита мамлакатда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси кескин пасайиб кетган...

Бу каби маълумотлар билан танишарканмиз, беихтиёр ўз ҳаётимиз, мамлакатимиз иқтисодиёти, халқимизнинг турмуш тарзи ҳақида ўйлаймиз. The Hongkong and Shanghai Banking Corporation корпорацияси томонидан тайёрланган «Дунё 2050 йилда» номили маърузада Ўзбекистон жадал суръатларда ривожланаётган 26 давлат қаторидан жой олгани юртимизда инсон манфаатларини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътирофи эканига ёрқин мисолдир.

Ҳа, мамлакатимиз тарихан қисқа даврда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида олиб борилган жамият ҳаётини янгилаш ва эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнларини ўз ичига олган ҳаётбахш ислохотлар сабаб тез суръатларда тараққий этаётган давлатлар қаторига қўшилди. Истиқлолнинг дастлабки ўн йиллигидаёқ озиқ-овқат ва галла мустақиллигига эришилган. халқимиз дастурхонининг тўқин-сочин, турмушининг фаровонлашишида муҳим омили бўлди.

Президентимиз мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ўтган йили озиқ-овқат саноати 2012 йилга нисбатан 9 фоиз ўсганини алоҳида қайд этди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришлар ва сифат жиҳатдан янгилаштирилган самарасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми бир неча баробар кўпайди.

Ўтган йили миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати туғйили мисли қўрилмаган натижаларга эришилди – 7 миллион 800 минг тонна галла, 8 миллион 400 минг тонна сазавот етиштирилди. Энг муҳими, халқимиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланиб, улар чет мамлакатларга экспорт ҳам қилинди.

Ўтмишга назар...

Ҳаёт суръатлари тезлашган, турли ахборот оқимлари қуршган бугунги замонда истиқлол йилларида эришилган бу улкан муваффақиятлар ҳақида кўп ҳам ўйлайвермаймиз. Қўзимиз кўриб турган кенг кўламли бунёдкорлик намуналарини раво йўллар, расталари турли-туман буюмлару озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиб-тошган бозорлар, нимагаки эҳтиёж бўлса барчаси муҳайё кўркам супермаркетлар, хуллас, ўзимиз яшаётган фаровон ҳаёт азалдан шундай бўлгандек туйилади.

Хўш, аслида бундай улкан, бетимсол ютуқларга қандай эришилган? Маълумки, ўтган асрнинг 80-йиллари охирида жуда кескин ва таҳликали вазият юзага келганди. Бу бошбошдоқликнинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва аҳолининг энг зарур, биринчи галда, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш бўйича зудлик билан тегишли чоралар кўриш ни талаб этарди.

Бироқ республика иқтисодиётининг қатъий марказлаштирилган ҳолда режалаштириш ва тақсимлаш усулига асослангани, бирёклама ривожланиб, ҳомашё тайёрлашга йўналтирилгани, экология ва аҳоли генофондидаги ҳалокатли таъсир ўтказадиган пахта яккахокимлигининг мисли қўрилмаган даражага етгани вазиятни оғирлаштириб қўйган эди.

Ислам Каримов «Ўзбекистон мустақиллика эришиш останада» китобида ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий манзарасига шундай баҳо берган: «Шу нарса шак-шубҳасиз ва очик-ойдиндирки, республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Иттифокдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охириги ўринлардан бирида турибди... Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда ўшун маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, умуман мамлакат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилмоқда... Жуда ўқитиш иқтисодий ва ижтимоий муаммолар рўйхатида яшовчи Юнус ота Халилов. – Алам қиладигани, маҳсулот истеъмолга яроқлими-яроқсизми олаверардик. Бугунгидек маҳсулот ёрлиғини текшириш, сифатига қараб танлаш-саралаш қайда эди. Бу ҳақда ўйламасдик ҳам.

Бу аянчи аҳолини ўша даврда ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган катта авлод вақиллари яхши ослайди.

– Нон, ёғ, картошка, туз, ҳатто совун учун дўкон олдида соатлаб навбатда турганимиз, – дейди Жиззах вилояти Баҳмал туманида яшовчи Юнус ота Халилов. – Алам қиладигани, маҳсулот истеъмолга яроқлими-яроқсизми олаверардик. Бугунгидек маҳсулот ёрлиғини текшириш, сифатига қараб танлаш-саралаш қайда эди. Бу ҳақда ўйламасдик ҳам.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижонда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ташкил этилди.

• Термизда даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

• Самарқандда «Ҳамшира – 2014» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва ҳамширалар ассоциацияси томонидан бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда танловнинг куйи босқичларида ғолиб бўлган ҳамширалар ўз маҳоратини намойиш этди.

• Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ҳудудий босқичида икки юздан ортиқ ишлаб чиқариш корхонаси ўз маҳсулотларини намойиш этди. Ярмарка иштирокчилари сони ва маҳсулот турларининг кўплиги тузилган шартномалар ҳажмида ҳам ўз аксини топди. Ўтган йилги ярмаркада 4 миллиард сўмлик шартнома турзилган бўлса, бу йил имзоланган шартнома ва битимлар миқдори 5 миллиард сўмдан ошди.

• Қашқадарё вилоятидаги Касби, Кичко ва Шахрисабз туманларининг четқа қишлоқлари – Комилон, Юқори Майманок, Варганзадаги таълим ва тиббиёт муассасаларига куёш батареялари ўрнатилди.

• Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Шу кунни янги бинода илк бор никоҳи қайд этилган оилаларга вилоят адлия бошқармаси ва туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

ЖАҲОНДА

• Париж шаҳрида ўтказилган ким ошди савдосида бельгиялик расм-сом Эрже томонидан 1937 йилда журналист Тинтинанинг саргузаштлари тўғрисидаги суратли китобга ишлаган расмларининг хомаки нусхалари рекорд даражадаги нарх – 3,5 миллион долларга сотилди. Суратлар чизилган ва Эрженнинг дастхати бўлган вақл америкалик но-нерга насиб этди.

• Эквадорнинг собиқ давлат раҳбари Моуад 1990 йил охиридаги банк таназзули пайтида амалга оширган жиноятлари учун сиртқи равишда 12 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Жазонинг қаттиқлигининг сабаби шундаки, ушбу жиноят ҳозирга қадар эквадорлик омонатчилар учун ўзининг оғир асоратларини кўрсатиб келмоқда.

• Тинимсиз ёққан ёмғир натижа-сида юз берган кучли сув тошқин-лари оқибатида Сибирда ўн минг киши ҳавфсиз жойларга кўчирилди. Ҳозирда энг мураккаб аҳвол Олтой ўлкасида кузатилмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президенти «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» рисолида ўша пайтларда аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш борасида ўта мураккаб вазият вужудга келганини таъкидларкан, «Айниқса, аҳолини картошка билан таъминлашнинг аҳоли бунга яққол мисол бўлади. Ўша вақтда юртимизга ҳар йили Россия, Беларусь, Польша ва бошқа мамлакатлардан қарийб бир миллион тонна картошка келтирилган эди. Энг ёмони, бу маҳсулот ноябрь-декабрь ойларида келтирилгани учун музлаб, унинг катта қисми яроқсиз ҳолга келар ва чорвага ем бўларди», деб қайд этади.

Бундай шароитда иқтисодиётнинг инқирозга юз тутиши ва инфляциянинг ўта кескин даражада ўсиб кетишига чек қўйиш, шакланган ҳўжалик, ишлаб чиқариш ва молиявий алоқаларнинг бутунлай издан чиқишига барҳам бериш, ишсизликнинг янада орттиришига йўл қўймаслик фақатгина муҳим аҳамият касб этар эди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ана шу ҳолатларнинг барчаси эътиборга олиниб, мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб дунё таърибасини ҳар томонлама ўрганиш асосида мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш дастури ишлаб чиқилди. Унда миллий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ва янада мустақамлаш, умумбашари қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш орқали Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан уйғун ва ҳамон ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди. Қишлоқ ҳўжалиги тубдан ислох қилиниб, мамлакатимиз иқтисодиёти ва экологиясига катта зарар етказган пахта монополиясига барҳам берилгани туфайли галла мустақиллигига эришишдек ҳаётий муҳим масала муваффақиятли ҳал этилди.

Бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асослари, авваламбор, қонунчилик базаси шакллантирилди. Фуқаролик, Ер, Солиқ ва Божхона кодекслари, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида», «Хусусий қорхона тўғрисида», «Фермер ҳўжалиги тўғрисида» қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар қабул қилингани мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш, ички бозорни рақобатбардор ва сифатли товарлар билан тўлдириш, замон талабларини инobatта олган ҳолда хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, экспорт таркибида жаҳон бозорларида хариддориг, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни қўлайитириш, аввало, ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш ва шу асосда аҳоли даромади ҳамда фаровонлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлди.

Ерни боқсанг, ер сени боқад

Ҳазил мулкининг султони, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулб» асариде шундай сатрлар бор: «Дехқонки, донда сочар, ерни ёрмоқ биле ризқ йўли очар... Олам маъмуриги алардин, олам аҳли масруриги алардин. Ҳар қайн қилсалар ҳаракот, элга ҳам кут еткурур, ҳам барокот».

Ҳақиқатан, барча даврларда ер билан тиллаша олиш, ундан эл дастурини учун кут-баракат ундириш ҳам санъат, ҳам ҳаёрат сифатида қаралган. Бироқ ўтган асрнинг иккинчи ўн йиллиги охирида экин майдонларининг катта қисми аҳолидан тортиб олиниши оқибатида мавжуд экин майдонларининг бор-йўғи 4 фоизга яқини шахсий томорқа ҳўжаликлари ихтиёрида қолган.

«Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобида қайд қилинишича, ўлкамиздаги вазиятни чинакамга ўнглаш, юрдошларимизнинг ҳаётга қарашини, бугунги ва эртанги кунга ишончини мустақамлаш учун аввало, уларнинг иқтисодий, моддий аҳолини яхшилаш заруратини чуқур англаган республикамиз раҳбари аҳоли учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган жуда катта бир масалани — одамларга томорқа бериш масаласини кун тартибига қўйди.

Ислом Каримов ташаббуси билан 1989 йил 17 августда «Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга яқна тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиш бериш ҳақида»-ги Қарор қабул қилинади.

Бу борада амалий ишлар натижасида 1989 — 1990 йилларда бир ярим миллиондан кўпроқ оиллага қўшимча ер ажратилади, 700 минг оиллага янги томорқа ерлари берилди.

Бу мураккаб масалалар ана шундай оқилона ёндашув туфайли Ўзбекистон бўйича минг-минглаб одамлар уй-жойли, ишли бўлди, бозорларда маҳсулот қўлайиб, нарх-наво арзонлашди, ижтимоий кескинликнинг олдини олишга эришилди.

Энг муҳими, ер ҳақиқий эгасини топди. «Ерни боқсанг, ер сени боқад» тамойили жонқуяр фермер-

ЭНГ ТЎҒРИ,
ЭНГ НУРАФШОН ЙЎЛ

деҳқонлар фаолиятининг асосига айланди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келаётгани ушбу тизимнинг барқарор ва самарали ривожланиб бораётганидан далолатдир...

«Тошкент — нон шаҳри» фильмининг ҳар сафар томоша қилганимда чуқур ўйга толам. Назаримда, фильмдаги бир бурда нонга зор болалар ҳаёти ҳар биримизни бугунги фаровон турмушимизга қайта ва қайта шукрона келтиришига ундайди.

Пойтахтимиздаги муҳташам супермаркетларни айланиш асосида «Нон ва нон маҳсулотлари» бурчаги томон юраман. Бу ердаги маҳсулотлар тартиб билан териб қўйилган. Махсус қадоғида тури, ҳажми, таркиби, ишлаб чиқарилган санаси ва сақлаш муддати ёзиб қўйилган. Оқ нон, қора нон, кепакли нон, жавдари нон, оби нон, оби жимжима, жиззали нон, гўшти нон, ёғли нон, чагчак нон, гижда нон, оддий патир, ёғли патир, қашқар патир, ёғсиз патир, қатлама патир, тўй патири, ширмой кулча, ширмой патир, кунгирли ширмой, кунжутли бозор нони, седанали бозор нони, безакли байрам нони... Тўғриси, шу пайтгача ҳар кун истаёмол қилидиган ноннинг шунча тури борлигини билмаганимдан ҳижолат бўламан.

Бундай тўқилик юртимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан аҳолини энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, нон билан барқарор таъминлашга алоҳида эътибор қаратилгани, нон сановати замонавий асосда ривожлантирилгани, самараси эканлиги барча мизни хурсанд қилади.

Қиш ғами ёзда ейлади

Мамлакатимизда заҳира маҳсулотларини жамғариш, уларни тўғри ва сифатли сақлаш борасида бир қатор

ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бу борада «Ўзулғуржисавдоинвест» уюшмаси ташкил этилиб, самарали фаолияти йўлга қўйилгани эътиборга лойик. Ҳар йили уюшмага қарашли тайёрлаш-сақлаш омборлари мавсумга талаб даражасида тахт қилиниб, аҳолини келгуси пишиқчилик даврига қадар сифатли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш имкони яратилаётди.

«Ўзулғуржисавдоинвест» уюшмасининг озиқ-овқат бошқармаси бошлиғи Нейматжон Аҳмаджоновнинг айтишича, айни пайтда уюшма тизимида 57 худудий улғуржи савдо базаси ва қорхона фаолият юритмоқда. Улар маҳсулотларни нафакат деҳқонлардан харид қилаётди, балки ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳам етиштирмоқда.

Тизимдаги қорхоналарда 116 минг квадрат метр совутилмайдиган ва 60 минг тонналик совутикли омборхоналар фаолият юритмоқда. Уларда картошка, сабзи, пийвз, мева, полиз, гўшт маҳсулотлари, ун, ўсимлик ёғи, шакар, консервалар ва бошқа маҳсулотлар сақланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелда қабул қилинган «2011 — 2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустақамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори асосида омборларни реконструкция ва модернизация қилиш, замонавий совутиш камераларини қуриш ишлари давом эттирилмоқда. Хусусан, 2011 — 2013 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 38 минг 440 тонналик замонавий совутикли омборхоналар ишга туширилди. Натижада 2013 — 2014 йил қиш-баҳор мавсумида 65 минг тонна қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари заҳираси яратилди. Жорий йилда 70 минг тоннадан зиёд заҳира жамғариш режалаштирилмоқда.

Аҳолининг истаёмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш, ички бозорни рақобатбардор маҳсулотлар билан тўлдириш мақсадида кейинги йилларда тизимда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича эллика яқин замонавий цех ташкил этилди. Жумладан, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида 18 лойиҳа амалга оширилди. Уларда ўтган йили 10 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорағида бу кўрсаткич 3,1 миллиард сўмни ташкил этди.

Йил охирига қадар қирққа яқин нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари, ноозик-овқат ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш цехлари, паррандчилик, чорвачилик, балкичилик ва асаларичилик ҳўжаликлари ташкил этиш ҳамда аҳолига савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш бўйича саксонга яқин лойиҳани амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Амалга оширилаётган бундай ишлар турмушимиз фаровонлиги, дастурхонларимиз тўқин-сочилишига хизмат қилади. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун! Бу Президентимиз раҳнамоллигида ҳақиқий таъминланган йўлга бўлиб, унинг энг тўғри йўл эканлиги ҳаётнинг «ўзи» таъкидлаб, дунё эътироф этмоқда. Бу йўлнинг келажаги янада фаровон ва нурафшон эканига шак-шубҳа йўқ.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Шаҳримизда «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси фаолиятини такомиллаштириш ва истаёмол қилинаётган электр энергияси учун ҳисоб-китоб интизомини мустақамлаш бўйича қилинаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Мамлакатимизда энергетика тизими кун сайин ривожланиб бормоқда. Мавжуд манбалар модернизация қилиниб, энергия тежовчи технологиялар жорий этилаётди. Қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда янги қувватларнинг ишга туширилаётгани тизимдаги юксалишнинг ёрқин исботидир. Тадбирда иштирок этган «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари М.Ҳақимов ва бошқалар буни алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Юртимизда аҳоли турмуш даражасининг орттириш билан электр энергияга бўлган эҳтиёж ҳам ўсиб бормоқда. 1990 йилда аҳолининг жами истаёмолдаги улуши 10,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб бу кўрсаткич 24,4 фоизга етди. Шу боис энергия етказиб бериш қорхоналардан истаёмолчиларга имконият ва қўлайликлар яратиш, электр энергиясининг ҳисобини юритишни такомиллаштириш, тўловлар интизоми-

ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА
ОШИРИШ ТИЗИМИ
ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

ни мустақамлаш, уларни ўз вақтида ва тўлиқ ундиришни тартибга солиш талаб этилади. Анжуманда асосий эътибор тўловларни on-line режимида қабул қилиш ҳамда истаёмолчиларнинг электр ҳисоблагич кўрсаткичларини SMS-хабар орқали компьютер дастурининг базасига киритиш ишларига қаратилди. Бунда амалга оширилган тўловлар тўғрисида маълумотлар истаёмолчининг ҳисоб ваарағига хатосиз келиб тушади. Пойтахтимизда бу борада тизимли ишлар ташкил этилган бўлиб, айни кунда тўловларнинг 70 фоизи on-line режимида амалга оширилмоқда.

— Ҳозирда республикамиздаги маиший истаёмолчиларнинг 32,6 фоизининг мобил телефон рақамлари «Электрҳисоб» дастурий комплексига бириктирилган, — дейди «Ўзбекэнерго» унитар қорхонаси техник шартларни мониторинг қилиш гуруҳи бошлиғи К. Тўхтаев. — Жорий йил охиригача бу кўрсаткични 100 фоизга етказиш режалаштирилган. Ушбу дастур энергия етказувчи қорхона учун ҳам, истаёмолчилар учун ҳам бирдек қўлайлик яратяди.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олдилар

Абдуалим САЛИМОВ

ЗАМОНАВИЙ ВА ТЕЖАМКОР
ЛОКОМОТИВЛАР

Миллий Матбуот марказида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг локомотивлар паркни янгилашга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Истиклол йилларида мамлакатимизда янги темир йўл линиялари ва замонавий вокзаллар барпо этилиб, фойдаланишга топширилди, мавжуд ва янги темир йўллари электрлаштириш бора-бора улкан ишлар амалга оширилди. Локомотив ва юк вагонлари паркни янгилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 13 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси локомотивлар паркни янгилаш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарорига асосан янгирмадан ортиқ замонавий юк ташиш электровозларини харид қилиш бўйича лойиҳа ҳаётга татбиқ этилаётди.

Матбуот анжуманида локомотивлар паркидаги электровозлар сони айни пайтда юзтага етгани таъкидланди. Шунингдек, бу ерда 242 магистрал

ва 258 манёвр тепловози мавжуд. Компания паркни йилдан йилга янги замонавий транспорт воситалари билан тўлдириб бормоқда.

«O'ZEL» русумидаги 38 электровознинг харид қилингани «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг локомотив паркни техник қайта жиҳозлаш ва янгилаш борасидаги яна бир қадам бўлди. Ўтган йили 11 шундай замонавий электровоз олиб келинди.

Локомотив паркни замонавий электровозлар билан янгиланаётгани «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси учун техник-иқтисодий самара бермоқда. Таъмирлаш жараёнида кўп меҳнат талаб қиладиган ишлар ҳажми қисқариб, материал ва ресурслар сарфи камайиб бормоқда.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири

Партиялар фаолиятдан

МАҲАЛЛАДА
УЧРАШУВ

Бектемир туманидаги «Роҳат» маҳалласи гузарида Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси туман кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими ҳамкорлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Азамат Зиё иштирокида «Сайловчиларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда уларнинг манфаатларини ҳал этишда депутатнинг ўрни» мавзuida сайловчилар билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда «Мажнунтол», «Истиқбол», «Роҳат», «Зилола», «Чашма» маҳаллалари фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ва партия фаоллари иштирок этди.

Учрашувда Азамат Зиё «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёрғу келажагимизнинг асосий омилдир» маърузасида белгиланган муҳим вазифалар ҳамда ўтган давр мобайнидаги депутатлик фаолияти юзасидан ахборот бериб ўтди. Шунингдек, ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг фаолияти, қабул қилинаётган қонунларга ушбу фракциянинг ўз ўрни ва ўз электорати нуқтаи назаридан ёндашиши, кўрсатилаётган ташаббуслари ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тадбирда ҳудудларда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш юзасидан ҳам маълумотлар бериб ўтилди. Маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, таъмирлаш, ва улардан фойдаланиш масалаларини тартибга солишда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган бир қатор қарорлар муҳим аҳамият касб этаётгани айтиб ўтилди. Худудларда мактабгача таълим муассасаларининг ташкил этилиши ва уларнинг ҳолатини ўрганиш бўйича келтирилган маълумотларда эса 2-7 ёшдаги болаларни бошланғич таълимга тайёрлаш бўйича янада яхши натижага эришиш мақсадида, шароитдан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ҳудудда 2-тадан нодавлат таълим муассасаси ташкил этилиши, 2014 йилнинг сентябрь ойидан 13 та ҳудудда (Тошкент шаҳридан ташқари) бўш гуруҳлар ҳисобидан 1220та қисқа муддатли гуруҳлар ташкил этилиши режалаштирилганлиги айтиб қаратилди.

Учрашув қизгин фикр-мулоҳазалар билан ўтди ва барчада яхши таассурот қолдирди.

Гулноза МУСТАФАЕВА,
ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши ахборот хизмати етакчи мутахассиси

ФИКР-
МУЛОҲАЗАЛАРГА
БОЙ ТАДБИР

Сергели туманидаги Қўйлиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежиде Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар ва туман кенгашлари томонидан партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси билан ҳамкорликда «Мамлакатимизда сиёсий ва ҳуқуқий ислохотларни ривожлантиришнинг мазмун-моҳияти» мавзuida тадбир ўтказилди.

Унда сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зиёдулла Убайдуллаев мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий ва ҳуқуқий ислохотларни мустақамлаш, қонунчилигимизни ривожлантириш йўлида қабул қилинаётган конституциявий қонунлар, хусусан Бош Қомусимизнинг 122, 78, 93-98, 103 ва 107-моддаларига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ҳақида тўлиқ маълумот бериб ўтди.

— Давлат оргнларни устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш даврнинг долзарб талаблари сифатида эътироф қилинмоқда, — деди жумладан З. Убайдуллаев. — Жамоатчилик назорати ва унинг ҳуқуқий базаси меъёрларининг яхлит тизимини шакллантириш долзарб вазифалар қаторига киради. Бу амалиёт ривожланган мамлакатларда ҳам кенг эътироф этилган. Конституцияимизнинг кўпгина моддаларига жамоатчилик назоратини мустақамлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Демак, депутатлик тегишли давлат идоралари билан жамоатчилик назорати бўйича қонунчилигимизда яхлит ҳуқуқий асос сифатида қонунлар лойиҳаси устиде ишлаши ва ўз сайловчилари билан учрашиш, уларнинг қандай муаммоларга дуч келаётгани ва уларни ҳал этишга эътиборни қаратишлари лозим.

Депутатлар, партия фаоллари, ўқитувчилар ва коллеж ёшлари иштирок этган ушбу учрашувда келажақ эгалари бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ғимоялаш каби масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар билдирлиб, мавзуде доирасида савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Шоира МУҲАМЕДОВА



Танловлар

ЗУККО ВА БИЛИМДОН
ҲАМШИРАЛАР АНИҚЛАНДИ

Халқаро ҳамширалар куні муносабати билан Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Ҳамшира — 2014» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Шаҳар Соғлиқни сақлаш бую бошқармаси, Фойтахт Соғлиқни сақлаш ҳодимлари касабга уюшмалари Кенгаши, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши, Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали томонидан ташкил этилган кўрик-танловда ўн битта тумандан энг зукко, билимдон ва моҳир ҳамширалар иштирок этиб, ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

Ушбу танлов «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида «Соғлом она — соғлом фарзанд» тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида уларнинг истаёмол ва ижодий қобилиятларини намойиш этишларини рағбатлантириш, шунингдек, даволаш-профилактика муассасаларида меҳнат қилаётган ёш ҳамшираларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг тиббий жиҳатдан саводхонлигини ошириш, билимларини янада чуқурлаштиришга қўмаклашиш, миллий тиббиёт сирлари ва таърихини мукамал ўрганишлари учун шароит яратиш мақсадида ўтказилди.

Кўрик-танлов икки босқичда ташкил этилиб, дастлаб Тошкент шаҳар шошилинч тез тиббий ёрдам клиник

шифохонасида доир қилинган билим ва кўникмалари синондан ўтказилди.

Ўзбекистон Давлат консерваторияси ташкил этилган ҳал қилувчи босқичда ҳамширалар танишув, тиббиёт соҳасига доир назарий ва амалий билимлар, ижтимоий-сиёсий ва маънавий билимлар бўйича беллашув ҳамда баддий кўрик (уй вазифаси) каби бешта шарт бўйича ўз касб маҳоратларини кўрсатишди.

Шартларни аъло даражада адо этиб, билим ва кўникмаларини намойиш этган Ҳамза туманидаги 27-оилавий поликлиника ҳамшираси Нилуфар Нуриддинова ғолиб чиқди ва «Ҳамшира — 2014» кўрик-танловининг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. 2 ва 3-ўринлар Сергели туманидаги 1-туғруқ комплекси ҳамшираси Доно Жамолова ҳамда Учтепа туманидаги Марказий кўп тармоқли поликлиника ҳамшираси Рухсора Раҳимовага насиб этди.

Кўрик-танловнинг ғолиб ва совриндорларига ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Даврон НУРМАТОВ

СУРАТДА: «Ҳамшира — 2014» кўрик-танлови шаҳар босқичидан лавҳа

Кеча Тошкент ҳайвонот боғи болажонлар ва уларнинг ота-оналари билан гавжум бўлди. Шу кунги боғда халқ сайиллари ўтказилди, шу билан бирга тинчлик рамзи ҳисобланмиш безакли кабутарлар фестивали ҳам ташкил этилди.

Фестиваллар

ТАБИАТГА МЕХҲР УЙҒОТИБ

— Мазкур кўргазмани ўтказишдан мақсад биринчи навбатда аҳоли ўрта-сида ҳайвонот, табиат оламига меҳр-мухаббатни ошириш, ёшларни мазкур соҳага жалб этиш, Ўзбекистонда мавжуд ўзал, ноёб, зотдор кабутарларни халқимизга намойиш этиш билан бир қаторда соҳани ва унга оид наслчилик ишларини янада ривожлантиришдан иборат, — дейди Тошкент ҳайвонот боғи бош зоотехниги Аълохон Йўлдошев. — Ҳайвонот боғимизда жорий йилда кўплаб ўзгаришлар амалга оширилди. Боғ коллекциямиз турли хил ҳайвон турлари билан кўпайди. Биринчи навбатда чет давлатларидан туқан, яшил қанотли ари, майна, қизил лори ва бошқа кўплаб жониворлар олиб келинди. Бу ўз навбатида коллекцияни кўпайтириш билан бирга улардан зуррийд олиш имконини беради. Боғ ҳудудида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан боғимизнинг кириш қисмида зоологик ҳайвонларнинг тасвири ифодаланган композиция барпо этилди, бу ишлар ички қисмда ҳам давом эттирилмоқда. Боғ ҳудудидаги анча йиллардан бери

ларга эндигина қизиқаётган ёшлар му-тахассисларнинг керакли маълумотлари, тавсиялари билан танишишди. Ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоб олишди. Оқ, қопқон чини, оқ малла, қора малла ва бошқа кўплаб кабутарларнинг ноёб турлари намойиш этилди.

— Тошкентда кабутарлар бўйича му-тахассислар, устозларини жамлаган ҳолда «Gulbadam» Тошкент кабутарлар ишқибозлари клуби ташкил этилган, — дейди Ўзбекистон кабутарлар ишқибозлари ассоциациясининг раҳбар ўринбосари Рустам Маъсумов. — Ёшларни ўзимизнинг миллий кабутарларнинг зотлари билан таништириб, уларни кўпайтиришнинг йўлларини ўргатиш клуб вазифасига кириди.

Шу кунги боққа таширф буюрувчиларнинг аксариятини ёшлар, болалар ташкил этишини ҳисобга олиб, уларнинг боғда мароқли ҳордиқ чикаришига, кабутарлар борасида маълумотларга эга бўлишига шароит яратилди. Самарқанд, Навоий, Сирдарё, Жиззах, Тошкент, Фарғона вилоятларидан вакиллар билан бир қаторда қўшни республикалардан ҳам кабутарлар ишқибозлари фестивалга таширф буюришди.

— Фестивалга невараларим билан бирга келдим, — дейди Қудрат Фидойиев. — Бундай тадбирлар инсонларга хурсандчилик бахш этиди. Мазкур соҳа вакиллари бир-бирлари билан фикр алмашиш имконига эга бўлишди. Ёшларга эса қўшлар оламини асраш лозимлиги, ўзига хос турларини кўпайтириш муҳимлиги тушунтирилиши айни мўддо. Ўзим ҳам кўп йиллардан бери кабутарлар боқиб келаман. 60 га яқин зоти турли хил кабутарларим бор.

Ўтган йилги фестивал билан бу йилгисининг фарқи ҳаётлар қатнашчиларнинг сонининг ортганида дейиш мумкин. Йилдан йилга мазкур кўргазма оммавийлашмоқда, қизиқувчиларнинг сони ошмоқда.

Зарнигор РАХИМОВА



БОЛАЛАР БИЛИМЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

Шаҳримизда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган ранг-баранг тадбирлар ўтказилди. Шундай қизиқарли тадбирлардан бири NEXT савдо-кўнгилочор мажмуасида бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Британия Кенгаши, Республика хорижий тилларга ўргатишнинг инновацион усулларини ривожлантириш илмий-амалий маркази, БМТнинг ЮНИСЕФ Болалар жамғармаси, Инсон ресурсларини ривожлантириш Ўзбек-япон маркази, Тошкентдаги Британия мактаби, «MIREL GROUP» хусусий корхонаси унинг ташкилотчилари бўлишди.

Активнинг мақсади ҳар хил ўйинлар ва санъат турлари орқали турли ёшдаги (4 ёшдан 14 ёшгача) болаларда инглиз тилини ўрганишга муҳаббат уйғотиш, шунингдек, кичкинтойларга байрам совғаси тақдим этиш ва ўқув жараёнини қувончга бой қилишга айлантиришдан иборат. Активнинг муҳим томонларидан бири — бола таълим олиши жараёнида ота-оналарнинг ҳам иштирокини талаб этадиган оила таълим таълим олиш маданиятини тарғиб қилиш ҳисобланади.

Тадбир дастури болалар учун қизиқарли бўлган маъмулотлардан ташкил топиб, ҳар хил билимдонларга кўнгилочор ва ранг-баранг мунит яратиш учун акция бешта маърифий-кўнгилочор ҳудудда ўтказилди.

Ҳудуд 4 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланиб, у қўл меҳнати маҳсулотларини тайёрлаш, расмларни бўяш, қўйғирчоқли томошаларни ўз ичига олди. Сарик ҳудуд 7-10 ёшдаги болалар учун ажратилиб, у қўл меҳнати маҳсулотлари, ясаш маши, сўз ўйинларидан иборат бўлди. 11-14 ёшдаги болалар учун қўл меҳнати маҳсулотлари ясаш, сўз ўйинлари уйнаш имконияти яратилди.

Футбол учун спорт ҳудудиди болалар ёшидан қатъи назар қопток ўйнаш ва инглиз тилида санаш бўйича кўнгилочор бўлиб ўтди.

БМТнинг ЮНИСЕФ Болалар жамғармасининг маърифий ва кўнгилочор ўйинлар ҳудуди Бола ҳуқуқлари Конвенциясининг 25 йиллигига бағишланди. Бу ерда болалар ва уларнинг ота-оналари ўйинлар ва ажойиб фотокургазма ёрдамида бола ҳуқуқлари борасида ўз билимларини оширишди.

Бундан ташқари байрам тадбири давомида Ўзбек-япон маркази томонидан оригами санъати дарслари ҳам тақдим этилди.

Барча ўйин ва машғулотлар Британия Кенгаши мутахассислари ишлаб чиққан learnenglishkids britishcouncil.org сайти материаллари асосида инглиз тилида ўтказилди. Бундан ташқари, кичкинтой қатнашчиларда ўзларини қўлчилик ҳунарида, боди артда синаб кўриш ҳамда мультфильм қаҳрамонлари билан суратга тушиш имконияти яратилди.

Эстрада қолдурлари ва ёш истеъодлар билан ўтказилган музикаий таърифлар тадбири янада бойитди. Унда ота-оналар ва уларнинг фарзандлари инглизча қувонқ қўшиқлари айтиш ва чигалёзди машқлар қилиш имконига эга бўладилар.

— Болажонларнинг ушбу байрами биз катталарга ҳам ўзига хос масъулият юклаб, келажакимиз бунёдкорларига ҳар томонлама билим-қўнғималар бериб, маънавият-маърифатли инсонлар қилиб ўстиришнинг таъқозо этилиши, — дейди «MIREL GROUP» хусусий корхонаси координатори Хушнуд Мухамедов. — Бизнес фирмалари Ўзбекистон бозорига қатнашчилик ва одис маҳсулотлари импорти ҳамда савдосида етакчи ўринни эгаллайди. Ва ушбу байрамни ташкил этишда қатнашиб, болажонлар қалбига озгина бўлса-да қувонқ улашганларимиздан бахтиёримиз.

(Ўз муҳбиримиз)

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар
Ислом Исмоилов олган суратлар

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АТТЕСТАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари педагог кадрлари аттестацияси: яқун ва ҳулосалар» мавзuida матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари педагог кадрлари аттестациясини ўтказиш тартиблари ва унинг яқунлари ҳақида айтиб ўтилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидagi умумий ўрта таълим мактаблари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тизимидagi академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари педагог кадрлари аттестацияси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ташкил этилади.

— Педагог кадрлар халқ таълими тизимиди ҳар беш йилда, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида уч йилда бир марта аттестациядан ўтказилади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Тест маркази таркибидagi кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестация бошқармасининг Ўз-луксиз таълим тизими профессор-педагоглар таркибини ва раҳбар кадрларни аттестациядан ўтказиш бўлими бош эксперти Ўткир Мўминов. — Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармасида Мувofiқлаштирувчи 14 та комиссия олий малака тоифасига даъвогарлар аттестациясини ўтказди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари педагог ходимлари аттестацияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаларида ташкил этиладиган аттестация комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Тадбирда соҳа вакиллари томонидан халқ таълими тизимиди 2011-2013 йиллар давомида 240641 нафар педагог кадрлар, 2011-2014 йиллар мобайнида эса академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 65070 нафар ходимлари аттестациядан ўтказилганлиги айтиб ўтилди.

Таълим муассасаларида ходимларни аттестациядан ўтказиш моддий рағбат билан бирга ўз устида ишлаш, замонавий билим бериш самарадорлигини таъминлайди. Тадбир давомида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Зарина РУСТАМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги P-2146-сонли Фармойишининг 8-бандига мувофиқ Миробод компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи лавозимлар бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- 1.Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари.
 - 2.Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари.
 - 3.Касбий таълим бўйича директор ўринбосари.
- Малака талаблари:
- Олий маълумотли.
 - Таълим тизимиди иш фаолиятига эга бўлган.
 - Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналиши бўйича 5 йил стажга эга бўлиш шарт.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши керак:

- Ариза.
- Сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол.
- Маълумоти ҳақидаги ҳужжат нусхаси.
- 4х6 ўлчамдаги 6 дона фотосурат.
- Илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса).
- Шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт) нусхаси.

Ҳужжатнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилишди. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қуддус кўчаси, 12-уй. Тел: 291-08-24, 293-43-62.

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, Чилонзор матбаа касб-ҳунар коллежи қуйидаги лавозимларга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари.
 2. Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари.
 3. Касб таълими бўйича директор ўринбосари.
- Танловда олий маълумотли, таълим тизимиди 5 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга, илгари судланмаган, доимий яшаш жойидан қўйилган ўтган Ўзбекистон фуқаролари иштирок этишлари мумкин.
- Манзилими:** Тошкент шаҳри, Яқсарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй.
Телефон: (8-731) 252-23-31

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Янгиобод ихтисослашган бозори» МЧЖ ҳудудидаги ижарага бериладиган бўш жойлар тўғрисида маълумот

Умумий овқатланиш

1-сонли ошхона	ҳудудда	142 кв.м
2-сонли ошхона	ҳудудда	110 кв.м
3-сонли ошхона	ҳудудда	149,59 кв.м
4-сонли ошхона	ҳудудда	65,16 кв.м
5-сонли ошхона	ҳудудда	222,59 кв.м
6-сонли ошхона	ҳудудда	227,66 кв.м
7-сонли ошхона	ҳудудда	31 кв.м
Жами		948 кв.м

Манзил: «Янгиобод ихтисослашган бозори» МЧЖ. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Толариқ кўчаси, 1а-уй.
Телефон: 298-39-29

«New Trans Alliance» МЧЖда 2014 йил 20 апрелдан 2014 йил 20 майгача ўтказилган кимшоиди савдолари натижалари тўғрисида маълумот

Савдо санаси	Ким томонидан савдога қўйилган	Автомобилдор номини, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
21.04.2014	Зангиота тумани СИБ	2000 й. и.ч. "Lambert" д.р. 8429 XC	31 026 558	32 700 000
	Зангиота тумани СИБ	2002 й. и.ч. "DAF TE 95XF" д.р. 074 UEN	86 708 820	91 250 000
	Чиноз тумани СИБ	1985 й. и.ч. "MT3-B2", д.р. сиз	9 000 000	9 600 000
	Чиноз тумани СИБ	1987 й. и.ч. "MT3-80X", д.р. сиз	9 500 000	10 100 000
01.05.2014	Бекобод шаҳар СИБ	1978 й. и.ч. "Ваз-21011", д.р. 10 М 109 АА	2 244 708,60	2 430 000
	Миробод тумани СИБ	1994 й. и.ч. "Опел Вектра" д.р. 01 S 512 АА	9 444 217	9 990 000
	Миробод тумани СИБ	2000 й. и.ч. "Опел Omega" д.р. сиз	15 980 207	16 960 000
07.05.2014	Миробод тумани СИБ	"Ваз 21063" д.р. 10 V 527 FA	5 400 309,69	5 750 000

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, М. Улугбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 1-уй. Телефон: (+99871) 262-35-99 Ғувоҳнома: №004593.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилади!

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур туман СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2006 йил 6 мартдаги ЖСК-1-88/2006-сонли ижро ҳужжати асосан, Тошкент вилояти Қўйраб тумани, дала ҳовлиларини ҳудудиди жойлашган пешайвон (терасса), ертўла, айвон, шийлон (беседка), бассейни ва ёғи ошхоналаридан иборат 67-сонли дала ҳовли тақдоран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 98 387 120 сўм 50 тийин.

Аукцион савдоси 2014 йил 20 июнь кунни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2014 йил 18 июнь кунни соат 18:00.

Қўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилиги бўлимининг вакили иштирокида бевоcита жойига чиқиб танишиш мумкин.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилади!

Савдога Юнусобод тумани СИБ томонидан 14.09.2012 й. № 19305/15-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Анорзор кўчаси, 33-уй. Бошланғич баҳоси 125 000 000 сўм бўлган қўчмас мулк тақдоран қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 16 июнь кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридagi мулклар билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакиллари иштирокида бевоcита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кунни (дам олиш ва байрам кўнларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖнинг «ASIA ALLIANCE BANK» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашнинг шарт: № 2020 8000 2049 3605 0001, МФО: 01103, СТИР: 207 125 885. Аукцион қоллиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кунни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 1-уй. Телефон: (8371) 262-35-99. Лицензия: RR-0052.

Тошкент шаҳар Сергели туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидидаги умумтаълим мактаб ошхоналарида овқатлантиришни ташкил этиш бўйича тендер эълон қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: 257-20-93, 257-13-53.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖда 2014 йил 20 апрелдан 2014 йил 20 майгача ўтказилган кимшоиди савдолари натижалари тўғрисида маълумот

Савдо санаси	Ким томонидан савдога қўйилган	Қўчмас мулк номи ва манзили	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
28.04.2014	Қўйраб тумани СИБ	Тошкент вилояти, Қўйраб тумани, Салар ш.ф.й., Селекция маҳалласи	36 945 639	39 200 000
01.05.2014	Олмалик шаҳар СИБ	Олмалик шаҳри, Примкулова кўчасида жойлашган савдо дўкони фундаменти кадастр ҳужжати бўйича литер рақами 0032	1 965 385	2 150 000
		Олмалик шаҳри, Примкулова кўчасида жойлашган савдо дўкони фундаменти кадастр ҳужжати бўйича литер рақами 0033	1 965 385	2 200 000
		Олмалик шаҳри, Примкулова кўчасида жойлашган савдо дўкони фундаменти кадастр ҳужжати бўйича литер рақами 0034	1 965 385	2 150 000
		Олмалик шаҳри, Примкулова кўчасида жойлашган савдо дўкони фундаменти кадастр ҳужжати бўйича литер рақами 0035	1 965 385	2 200 000
		Олмалик шаҳри, Примкулова кўчасида жойлашган савдо дўкони фундаменти кадастр ҳужжати бўйича литер рақами 0036	1 965 385	2 150 000

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 1-уй. Телефон: (+99871) 262-35-99. Лицензия: RR-0052.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банк» ОАТБ Салар ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, СТИР: 207122519 х/рга тўлаш шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/факс: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

